

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
**О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ И  
ПОДДЕРЖКЕ ОТРАСЛИ КРОЛИКОВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ**

*Текст акта приводится на [узбекском языке](#).*

**Премьер-министр Республики Узбекистан А. АРИПОВ**

г. Ташкент,  
18 января 2022 г.,  
№ 29

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**РЕСПУБЛИКАДА ҚУЁНЧИЛИК СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

Республикада қуёнчилик соҳасини саноат усулида янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш, соҳада импорт қилинаётган маҳсулотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуёнчилик хўжаликлари томонидан шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган ускуналар, кишлоқ хўжалиги техникалари, бутловчи буюмлар ва материаллар, насли қуён ҳамда озуқа қўшимчалари, истисно тариқасида, 3 йил муддатга божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин ҳамда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан эътиборан қўшилган қиймат солиғини 1 йил муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар [рўйхатига иловага](#) мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 январь,  
29-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 29-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 79<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

« 79 <sup>1</sup> .	8415830000	Куёнчилик хўжалигида биноларни шамоллатиш ва иқлим назорати учун асбоб-ускуналар	».
---------------------	------------	--	----

2. 89-позиция куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

« 89.	8418690009	Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги учун бошқа совутиш ёки музлатиш ускуналари	».
-------	------------	--	----

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.01.2022 й., 09/22/29/0042-сон)*